

ТОШКЕНТ ҒАЛЛАСИ

ОБЛАСТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ДАВЛАТГА ДОН СОТИШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР. ОНА-ВАТАНГА 24 МИНГ ТОННАДАН ОРТИК ҒАЛЛА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 141 (3623).

Чоршанба, 19 июль 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ СОВҒА

Тошкент областининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXII съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, давлатга ғалла етказиб бериш йиллик планини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Йиллик план 20 иш кунига тўла адо этилди. Область колхоз ва совхозлари Ватан омборларига 24 минг тоннадан ортиқ ғалла тўқдилар.

Юқори Чирчиқ райони давлатга 9660 тонна, Ўрта Чирчиқ райони 7000 тоннадан ортиқ, Оржоникидзе райони 4100 тонна, Бекобод райони 700 тонна ғалла етказиб бериб жуда, катта ютуққа эришди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон», «Гулистон», «Ленинбод», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номи, «Полярная звезда», Оржоникидзе районидаги «Қозғонистон ССР 30 йиллиги», Карл Маркс номи, Жданов номи колхозлар ҳамда 3-«Оҳангарон», «Ғал-

лақудуқ» совхозларининг ғаллакорлари областда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Урим-йиғим ишларининг намунали бажарилишида ғалла комбайнларининг ҳайдовчилари — Юқори Чирчиқдаги «Ўзбекистон» колхозидан А. Шалигин, Хан Ен Гин, «Коммуна» колхозидан Ю. Адашев, «Ғаллақудуқ» совхозидан С. Қаршибоев, «Полярная звезда» колхозидан М. Ким, Тошкент наслчилик совхозидан А. Зулфиқоров сингари бир қанча ўртоқлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Ғаллачилик звеноларига бошчилик қилаётган механизаторлар урим-йиғим кунларида барчага намуна кўрсатдилар. Улар ўзларининг кундалик нормаларини анча ортиғи билан адо этидилар.

Область ғаллазорларида урим-йиғим қизғин давом эттирилмоқда. Деҳқонлар зиммадаги социалистик мажбурият ҳисобига давлатга ғалла жўнатмоқдалар.



Бу комбайнчилар билан танишнинг, Улар Ўрта Чирчиқ районидаги «Ғаллақудуқ» совхозининг пешқадамлари, кунига 12—13 гектар ердаги ғаллани ўриб олдилар. Суратда: илгор комбайнчилардан И. Гурьянов ва С. Қаршибоев ўр. А. Тўраев фотоси.

УЛКАН ҒАЛАБА

Хирмон кўтарилиб, улкан хирмон! Деҳқон қувончи чексиз. Унинг чекрасида латофат, қувонч, ўз меҳнати маҳсулидан мамуният, севинч барқ урмоқда. Тошкентнинг азамат ғаллакорлари ниналарга қодир ақалликларини, жасоратини, олий ҳиммат, сабот ва матонатли деҳқонлар ақалигини яна бир бор кўрсатдилар.

Игирма тўрт минг тонна! Бу — кураш, ғалла, қаҳрамонлик эпопеясининг дебосасидир. Игирма тўрт минг тонна — неча-неча кунлар ва тушлар, ойлар мадҳи. Бу ракам — элм, юртим ғаллага бой, давлатимиз омборлари донга кон бўлсин деб фидокорона меҳнат қилган, табиатнинг ҳар қандай инжиқликларини ва қийинчиликларига қарши мардонавор кураш олиб бораган колхозчи, совхоз ишчиси, тракторчи, комбайнчи, шофер, звено бошликлари, хўжалик раҳбарларининг зафарномасидир.

Бу йилги шароит, об-ҳаво деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби ғаллачиликда ҳам анъанавия қийинчиликлар келтирди. Қузда дон экилган ерларда эрта баҳор майсалар сабза урмасдан табиат ўз қийинчилигини қилди. Нега-неча минг гектар ердаги ғаллани совуқ ўриб кетди. Ана шундай вазиятда нима қилиш керак эди? Фақат бир йўл бор эди. У ҳам бўлса эҳди билан қайтадан дон экиш керак эди! Ўз ишларини миришқори, ўз касбининг ҳақиқий усталари — марду-майдон деҳқонларининг бу ишнинг ҳам уaldasида қилдилар. Ерлар яна ҳайдайдилар дон экиди. Барака уруғини тешоқ ундириб олиш ва хосинга киритиш учун барча тадбирлар қўйилди.

Побеси далаларида яна майсалар бўйи чўлиб, ер сатҳини ян-янгил қоплай бошлади. Бошқар деҳқон қўлиларини каби чайқалган кутларда қувончнинг чексиз бўлди. Қир ва араларда арпа, бугдой пишиб, ўроққа келиб қолди. Лекин нағмагачлигининг етарли бўлмаганлиги яна катта қийинчилик туғдириди. Бу вазият деҳқонларнинг олдига, партия ва совет ҳамда қишлоқ хўжалик ташкилотлари олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйди. Хар қандай шароитда ҳам давлат планини бажариш керак! Колхоз ва совхозларда бутун ижтимоий ҳисобга олинди. Ғаллакорларнинг

маслаҳат йиғинлари ўтказилди. Оҳангарон совхозлари ғаллачилари ҳосилнинг бирон граммининг ҳам нобуд қилмай тезда йиғиб олиш ва давлатга топширишга қарор қилдилар. Паркентлик деҳқонлар, Ўрта Чирчиқ ғаллакорлари пайдан ташқари дон топшириш мажбуриятини олдилар. Бу ҳаракат ҳамма ерда ўзининг жанговар ифодасини топти.

Ғалла фронтини иш кундан-кун кучая борди. «Ғаллақудуқ» совхозининг комбайнчилари урим-йиғимни пухта шайланган ҳолда бошлаб юбордилар. Комбайнларнинг гуриллаган овози кечая-кундуз тинмас эди. Оҳангарон ғаллакорлари 10—15 кун ичда планини бажарамиз деб шпор ташладилар. Хар бир деҳқон, партия ва қишлоқ хўжалик ходимлари бу йилги вазиятнинг тўла ҳис қилган ҳолда, онгли ва фидокорона меҳнат қилдилар. Хаммининг диққат ва эътибори Ватанга кўпроқ дон маҳсулотлари еттиштириб беришга қаратилди. Ана шу ватанпарварлик, олижаноб фазилат, меҳнатсеварлик ўз самарасини берди. Биринчи бўлиб «Ғаллақудуқ» азаматлари маррага етганликларини ҳақида рапорт бердилар. Улар 1660 центнер ўрнига ҳаммаси бўлиб 684 тонна ғалла етказиб бердилар. Бу билан 4,5 йилга мўлжалланган план бажарилиди. С. Кенжабоев, Х. Ёлғонбоев, З. Нематуллин сингари комбайнчилар кунига 14—15 гектардан ердаги ғаллани ўриб турдилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги ғаллакорлари таъиннат шайтларини қўладан бермай, хар бир пуд, хар бир килограмм учун курашдилар. Бу масъулиятли кампанияга коммунистлар бошчилик қилдилар. Мард майдонда библинади, деғалларидек ўртачирчиқликлар майдонга ўзларини кўрсатдилар. Улар 15 кунда планини бажаришга қарор қилган эдилар. Баали, азаматлар! Баали, ватансизга вафодорлар! Ўзларининг меҳнат зафаринингиз, қалб ҳароратингиз, олижаноблигингиз ҳаммага намуна бўлди. Бу район ғаллакорлари 7 минг тоннадан ортиқ дон топшириб, давлат планини ортиғи билан бажардилар. Ғалла учун курашда Юқори Чирчиқ районидаги деҳқонлар ҳам бўш келмадилар. Улар 9660 тонна дон топшириб, йиллик планини тўла адо этидилар. Бекобод ва Оржоникидзе ғаллакорлари ҳам улкан хирмонини ғалла ҳиссаларини қўйдилар.

Азамат ғаллакорларимизнинг қаҳрамонлиги, мардонавор ишлари зафар кетди зафар келтирди. Ғалла фронтини областимиз деҳқонлари пешқадам бўлдилар. Улар планини биринчи бўлиб бажарганликларини ҳақида ғаллаба рапорти бердилар. Республиканинг илгор областимиз хўжаликларига мағрур ҳилираб турибди.

Ғаллакорлар ғалабасини мадҳ этар эканмиз, ана шу ғалабамизнинг баҳодирларини, майдонда мардлик кўрсатган фидокор кишиларини, аjoyиб ташкилотчиларнинг номларини фахрланиб, қувонч билан тилга оламиз. Булар: комбайнчи Ю. Адашев, С. Қаршибоев, А. Шалигин, Хан Ен Гин, А. Зулфиқоров, Ким Михаил, О. Махмудов, А. Мухаммаджонов, Ш. Турсунов, В. Новодний, Я. Гончаров ва бошқа ўнлаб, юзлаб кишилар — эл-юрт ҳўрмат ва иззатига сазовор бўлган, кунини туғи улаб ишлаган ҳақиқий совет кишилари, бутун қалби ва дили Ватан, халқ манфаати йўлида жўш урган ҳақиқий ўғлонлардир. Бугун зафар кутган кунимизда уларга офаринлар бўлсин, баракалла, шер йитилар, деймиз.

Улуғ айём яқин. Октябрь социалистик революциясининг ярим асрлик тўйига бутун мамлакат, жаҳон прогрессив халқлари қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Ғаллакорларимиз ўзларининг муносиб туҳфаларини ҳада этидилар. Лекин уларнинг қалб ҳарорати, билан кучлари ҳеч тинмайди.

Давлатга пайдан ортиқ дон топшириш давом этмоқда. Навбат шонликорларга келмоқда. Кент далаларида мўл ҳосил етишмоқда. Шонликорлар ҳам юбилей йилида ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Даладаги ҳосилни нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш, келгуси йил учун ҳозирдан пухта тайёргарлик қўриш, бошқа деҳқонлар ва дуканли экинлардан ҳам юқори ҳосил етиштириш — ғаллакорларимиз олдига турган муҳим вазифадир.

Юбилей йилимиз зафарларга бой бўлсин! Она-Ватанимизга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етказиб берайлик. Маррага етган, зафар кутган азамат ғаллакорларга офарин!

ОБЛАСТИМИЗНИНГ 24 МИНГ ТОННАДАН ОРТИК ҒАЛЛА ХИРМОНИГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚУШДИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	— 9660 тонна
ЎРТА ЧИРЧИҚ	— 7152 тонна
ОРЖОНИКИДЗЕ	— 4100 тонна
БЎКА	— 1816 тонна
БЕКОБОД	— 700 тонна
ЯНГИЙЎЛ	— 474 тонна
КАЛИНИН	— 106 тонна
ОҚҚЎРҒОН	— 49 тонна

МАРД ҒАЛЛАКОРИМ

Чексиз адрларга тўймай боқаман,
Қалб кўринг қўраман шунда ғаллакор.
Меҳрим дарё мисол, жўшиб оқаман,
Сендан заҳматкашим, бўлиб миннатдор.

Елкан — комбайнлар гуриллар сузиб,
Кузовлар тўлади тинмай дон билан.
Шоферлар ошқар, бир-бирин ўзиб,
Элига тортиги, ошу нон билан.

Олтин денгизини, бунёд этганинг,
Е битмас хазина, жаҳоирга қоп.
Не ўзи, дўстларинг дилшод этганинг,
Езиб қўйганмисан очил дастурхон.

Минг-минг ардоқласам бутун ярашар,
Қиш, бўрон, селни ҳам енгган баҳодир.

Арандй нафтида кўтарса башар,
Асл ғаллакорим, аҳдига қодир.

Қўларим уғида бамисоли тоғ —
Жонимдай азиз у ғалла хирмонинг.
Зафаринг қутлайди юртинг вақти чоғ,
Мавзаялга етган кун — улкан қарвонинг.

Шу тоғ биродарим, бағримга босиб,
Офарин айтаман, таҳсини ўқийман.
Мард ғаллакорим деб, мадҳингни ёзиб,
То меҳрим қонгунча қўшқ тўқийман.

Чексиз адрларга боқаман тўймай,
Қалб кўринг қўраман шунда ғаллакор.
Меҳрим дарё мисол жўшади тинмай,
Сендан заҳматкашим бўлиб миннатдор.


Усмон ЖОНГИТОВ.

ЯНГИ КУВВАТЛАР

«Ўзбекхастрой» трести коллектив Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб, янги-янги марраларни эгалламоқда. Бинокорлар қатор объектларни фойдаланишга топширдилар. Оҳангарондаги керамика комбинатида йилгига 1 миллион квадрат метр гулдор сопол плитка ва 650 минг квадрат метр пол учун ишлатилган плитка ишлаб чиқаришдаги технологик линиялар шулар жумласидандир. Шу ердаги пластмасса комбинатида йилгига 2 миллион квадрат метр линолеум, 560 минг квадрат метр полиэтилен пленкаси тайёрловчи ҳамда хар йили 1500 тонна мастика ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширдилар.

Трест коллектив шу кунларда Бекободдаги «Бегавадцемент» заводига йилгига 2800 тонна металл конструкцияси, Оҳангарон цемент заводига эса 425 минг тонна цемент, ишлаб чиқариш имконини берадиган пичи Совет хўжалигининг шонли тўйига фойдаланишга топшириш учун қизғин кураш олиб борапти.

М. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқатининг» шатсиз муҳбири.



Паркент ғалла тайёрлаш пунктига янги ҳосил ғалласини ортган қарвон тўхтовсиз келиб турибди. Суратда: ҳосил транспортлар А. Абалаев фотоси.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташқи ишлар министрлиги Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонасига куйидаги мазмунда нота йўллади.

«Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлиги СССРнинг Пекиндаги элчихонасига шу йил 24 июлда юборган нотасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати, Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида денгизда офатга учраган одамлар ҳаётини қутқариб қолиш ҳамда кемалар ва самолётларга ердан кўрсатиш сингари мана шундай инсонпарварлик ишда ҳамкорлик қилишни давом эттиришни истамаганини кўрсатиб турбди.

Шундай қилиб, Хитой томонининг бу қадами у ўзининг-бузғунчилик йўлини давом эттириб, социалистик мамлакатларнинг давлатлараро муносабатларини тўхлатиш йўлидан тобора нарига бораётганлигини, деғал хулосани яна бир марта таъкидламоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси афсуслантирмаслиги шумкин эмас, албатта».

ЗАФАР МУБОРАК, АЗИЗ ҒАЛЛАКОР,

КАТТА ХИРМОН

Юбилей йили — катта зафарлар йили бўлмоқда. Бунинг ҳамма ерда кўриш, билиш мумкин. Жаҳонда биринчи социалистик жамиятни барқарор тоштираган Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги юбилейни муносиб тўғоналар билан кўтиришга бел боғлаб, бутун ғайрат ва ишжойини аямай астойдил меҳнат қилаётган қолхозчилар ва совхоз ишчилари бирин-кетин салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу ҳаммаюмни беҳад қувонтирмоқда, янгида-янги марралар сари чорламоқда.

Мана, бугун яна бир улкан ғалабанинг шонли бўлиб турибмиз. Ленин ордени пойтахт областининг азамат ғаллакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатта ғалла сотиш йиллик планини шараф билан бажардилар! Об-ҳаво шароитлари ноқулай келган бу йилги шартда ғалладан баракали хирмон кўтариш, қисқа муддатда ана шундай ютуққа эришилши —

жуда қувончли ва салмоқли воқеалар. Бу ғалабани юбилей шарафига умумхалқ мусобақасига қўшилиб астойдил қилинаётган меҳнатнинг дастлабки катта самараси десак бўлади.

Бизнинг районимиз ғаллакорлари областимизнинг улкан дон хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Улар она-Ватанимиз хирмонига 9660 тоннадан ғалла тўкиб, давлат тошларини шараф билан адо этдилар. Ғаллакорларимиз эл-юртнинг донга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдек шарафли ишга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида кечани-кеча, кундан-кундан ишга жўнатилади. Ғаллакорларимизда 111 та комбайн де-тўхтов ишлаб турди.

Бу йил «Паркент» боғдорчилиги ва уюмчилик совхозининг ғаллакорлари ўзларининг ажойиб ватанпарварликлари, меҳнатсеварликлари, олижанобликлари билан ҳамма-

ни қойил қолдиришмоқдалар. ҳаммининг раҳматига сазовор бўлмоқдалар. Улар ўрим-йиғим ишнинг раёонда биринчилар қатори бошлаб юборишган эди. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти бу долзарб ва масъулиятли мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишнинг зарур чора ва тадбирларини кўриб қўйган эди. Ўрим-йиғимнинг қатъий графиги тузилган эди. Барча комбайнчилар ўзаро социалистик мусобақа боғлаб, кун сайин кўпроқ ғалла ўриб олишга астойдил ҳаракат қила бошлашди. Бу мусобақада моҳир комбайнчи Саъдулла Остонакулов пешқадамликни қўлдан бермади. У ўн кунда ўз комбайни билан графикада белгиланган 80 гектар ўрнига 190 гектар майдондаги ғаллани ҳес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олди. Унинг ҳамкасбларидан Ҳасан Умаров, Мирҳасан Оғрашев ўртоқлар ҳам графигини кичи ҳисса ортиги билан адо этдилар.

Хўжаликда ғаллакорларнинг жоний жиҳатдан рағбатлантириш жуда яхши йўлга қўйилган. Масалан, комбайнчи-звено бошлиғи Саъдулла Остонакулов ўн кунлик меҳнати эвазига 272 сўм 65 тиини ҳақ олди. Совхозда ҳар бир центнер ғаллани йиғгани учун 4,3 тиини ҳақ тўланади. Ўртоқ Остонакулов 1980 центнер ғалла йиғди. Бу 84 сўм 88 тиини бўлади. 190 гектар майдондаги ғалла ўргани учун 54 сўм 28 тиини ҳақ олиши керак эди. Маъмурият ва звено ўртасида тузилган шартномага кўра, планни бажарса, механизатор 60 процент қўшимча ҳақ олади. Бу — яна 83 сўм 50 тиини деган сўз. Бундан ташқари нормасини ортири билан бажарган комбайнчи 50 сўм мукофот берилди. Бу илгор комбайнчи олган катта даромадининг «сири» ана шунда. Совхознинг бошқа комбайнчилари ҳам ўз фидокорона меҳнатлари эвазига ана шундай баракали даромад қилишди.

Хўжалик азамат ғаллакорларини куну-тун кўрсатган жасоратлари тўғрисида тўрт кун деганда давлатта ғалла сотиш йиллик планини шараф билан бажарди. Ютуқларини тағин ҳам мустахкамлаш учун курашини сусайтирмаган ғаллакорлар ҳозирги кунга келиб йиллик планни 257 процентга етказиб қўйдилар!

Районимиздаги «Гулистон» қолхозининг деҳқонлари ҳам 4200 гектар майдонда мўл-қўл ғалла ҳосили еттиштиришга муваффақ бўлдилар. Улар 11 кун ичида ана шу майдонлардаги ғаллани батамом ўриб-йиғиб олишга, 3 минг гектардан ортиқроқ майдондаги сомонини йиғиб, гарамлашга 500 гектар ерни эса ҳайдаб қўйишга муваффақ бўлдилар. Бу қолхозда юбилей йилининг суръати ана шундай жадал бўлмоқда.

Ўрим-йиғимда ғаллачилик звеноларига бошчилик қилаётган комбайнчилар эр қарамонлик намуналарини кўрсатишяпти. О. Маъмуров, А. Муҳаммаджонов, Ш. Турсунов сингари ўртоқларнинг ҳар бири кунга 150—160 тоннадан ғаллани ўриб-йиғиб олишга муваффақ бўлди. Бу йилги мавсумда комбайнчи Миртожик Мирмуҳаммадов ҳам эр ғайрат кўрсатиб ишладилар. Ўриб-йиғилган ғаллани давлат оморига пешма-пеш ташиб турнатишда қолхоз шоферидаги П. Маъмуров, Р. Ҳамидов, М. Ҳидоятжон, Э. Умаров сингари ўртоқларнинг хизмати катта бўлди. Улар гуруҳга ҳузурида ишлаб кунга 12—15 тоннадан дон ташинди.

«Коммуна» қолхозининг комбайнчиси Ю. Адашев ўрим-йиғим кунларида 6 минг 250 пуд донни хирмонга уйиб ҳаммининг ҳурматига сазовор бўлди. «Ленинбод» қолхозининг деҳқонлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам баракали хирмон қўтаришга муваффақ бўлишди. Улар ҳозиргача давлат оморига 950 тонна ёки пландагидан 2 минг центнер кўп ғалла тошпиришди. Ўлимкор ерларнинг ҳар гектаридан 69 пуддан ҳосил кўтарилди. Шуниси қувончлики, қолхоз дав-

ҒАЛЛАЗОР ЛОЧИНЛАРИ

Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинбод» қолхози меҳнаткашлари қишги-ёзи ҳалол меҳнат қилиб 2200 гектар майдонда мўл ҳосил еттиштиришди. Ғаллакорлар илгор агротехника ютуқларидан усталик билан фойдаландилар. Ўрта кўламда мавжуд майдондаги кўзги ғалла борона қилинди. Тупроқнинг унумдорлигига қараб, озиклан-тирилди. Бу тадбирлар зое кетмади. Натияжада ҳар гектар ердан 10 центнердан айрим жойларда эса 12 центнердан зиёд-роқ ҳосил йиғиб олинмоқда.

Шу кунларда далаларни айланган киши майин шабадада тебранаётган олтин бошоқларни кўриб, гувиллаб ишлаётган комбайнларни кўриб қувониб кетди. Қолхозчилар бутун куч ва ғайратларини сафарбар этиб, етиштирилган мўл ҳосилни ҳес-нобуд қилмасдан йиғиб-теришга ҳаракат қилишяпти. Даладаги ҳосилнинг ҳаммасини 20—22 иш кунда ўриб-йиғиб олишга аҳд қилдилар. Қолхозда ўнга-йилги комбайн бор. Булар икки сменада ишлатилмоқда. Ўрилиб-йиғилган донни пунктга жўнатиб туриш учун 15 та юк автомашинаси ажратилди.

— Биз, — дейди қолхоз раиси Тожибой Ризаев, — дастлабки ҳосилнинг ўзидан 6660 ўрнига 8500 центнер ғалла сотиш мажбуриятини олдик. Бу бизнинг Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллиги юбилейига муносиб совғамиз бўлади.

Қолхоз правлениеси ва партия ташкилоти техникадан моҳирлик билан фойдаланиш чораларини кўришти. Ҳар бир комбайн агрегатига янчилган сомонларни йиғиш учун мосламалар ўрнатилди. Бу эса сомонларни нобуд қилмай бир ерда гарамлаш имкониятини берди. Сомон йиғишда ва ташинида автоматизациядан, трактор прицепларидан, от-аравалардан моҳирлик билан фойдаланишяпти. Шуниси ҳам қувончлики, сомондан тозаланган ерларни пешма-пеш ҳайдаш учун 6 та трактор ажратилди.

Ўрим-йиғимни сифатли ўтказиш учун барча чоралар қўрилди. Комбайнчилар, штурвалчилар, тракторчилар техника хавфсизлигига эътибор беришяпти. Ёнги чикиб кетмаслиги чоралари кўрилатиб. Ерда ишлаётганлар учун ўз вақтида

ҳақ тўлаш, илгорларни рағбатлантириш амалга ошириляпти. Агар олтинчи разрядли комбайнчи кунлик иш нормасини бажарса унга 6 сўм 25 тиини, тўртинчи разрядли штурвалчига 4 сўм 50 тиини, бешинчи разрядли тракторчига 5 сўм 15 тиини ҳақ тўлаш кенг йўлга қўйилди. Агар улар ўн кун ичида белгиланган нормасини мутасил равишда бажарсалар, агрегат аъзоларига яна қўшимча 20—30 процент ҳақ тўланадиган бўлади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўрим-йиғимни сифатли ўтказган ҳар бир комбайнчига 60 килограмм ғалла, энгмаж аъзоларига эса 80 процент миқдорда устама мукофот беришга қарор қилинди.

Ишлаб чиқаришда ишнинг бундай ташкил этилиши ғаллакорларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Комбайнчилардан Тожибой Пирназаров, Нўлдос Ашуров, Деҳқон Бўтаев, Ҳайит Бўриевлар мавсумда 300—350—360 гектар ердаги ғаллани ўриб бериш мажбуриятини олдидилар. Қолхозчилар ўз сўзларининг устидан чиқиб учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

М. ҚОБИЛОВ.



Бу йил «Ғаллақудук» совхози ғаллакорларининг ютуғи айниқса катта бўлди. Улар юбилей вахтасида туриб мардондор ишладилар. Даладаги ҳосилни жадаллик билан йиғиштириб олишда бошқаларга ўрнатилган меҳнат қўли май давлат оморларига тўғиб иштирок этишди. Шунинг учун ҳам хирмонга баракани кирди. Совхоз коллективни юбилей йилида тўрт ярим йиллик план миқдорда ғалла тошпириб қўйишнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлдилар. Комбайнлардан моҳирлик билан фойдаланишда ва уларнинг иш унумдорлигини оширишда ишчи ўртоқ Т. Омонкуловнинг хизмати ҳам катта бўлди. У кунга 9 гектарга етказиб ғалла ўрди. Ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини ошириб бажарди. Суратда: Т. Омонкулов.

А. Абалаян фотоси.

ТОШЛОҚ ҲОСИЛИ

Янгиёул районининг илгор ғаллакорлари даладаги етиштирилган ҳосилни ҳес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Ғаллакорлар комбайнларнинг унумдорлигини ошириб, ишлаб чиқаришда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Қолхоз ва совхозларда етиштирилган ҳосил пешма-пеш ўриб олинди, давлат оморларига топширилмоқда. Кўпгина хўжаликлар

берилган планни ошириб бажардилар.

Райондаги «Интернационал» қолхоз аъзолари тошлоқ ерларга уруғ сепаган эдилар, ҳосил ёмон бўлмади. 82 гектар майдондаги ерда вақтида йиғиштирилиб олинган натижада бу соҳада берилган тошпириш ортиги билан бажарилди. Қолхозчилар сувида ҳам баракали хирмон кўтардилар. Планадаги 6 кунга 8 центнердан дон олинди. Бугунги етиштиришда ҳам яхши натижага эришилди. Олтин бошоқлардаги ҳосилнинг ҳаммаси йиғиштирилиб, давлатга топширилди. Қолхоз бир неча кун ичида давлатга ғалла тошпириш юзасидан берилган планни ортиги билан бажарди. Ғалла ўрмининг уюшқоқлик билан ўтказишда унумдор комбайннинг хайдовчиси Михаил Сухомликов хизмати катта бўлди. Уста комбайнчи ер шағал тош бўлишига қарама-қарши агрегатнинг тўхта-сиз ишлашини таъминлади.

А. ГОФУРОВ.



Область ғаллакорлари маррага муваффақиятли етдилар. Ҳар йилдаги ғаллакорларнинг қисми қалбдан таъриқланган «Гулистон» қолхозининг далаларидан 1175 тонна ғаллани ўриб олиш, янчиш ва давлатга тошпиришда комбайнчилардан М. Шамиров, Т. Эшматов ўртоқлар ҳам катта хирмон (ўнгда) ва Т. Эшматов ўртоқлар.

ЮБИЛЕЙГА СОВҒА!

«Юбилей йилини муносиб совғалар билан кўтиб оламиз!» Ана шундай шорига қатъий амал қилиб ишлаган Оржоникидзе районининг ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик планини муддатидан олдин 105,1 процент қилиб адо этдилар. Она-Ватанга пландаги 3880 тонна ўрнига 4077 тонна ғалла армуғини

ТОЖИКИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ

БИЗНИНГ

Об-ҳавонинг ноқулай келиши сабабли рўй берган катта қийинчиликлар бартараф этилди. Яла ва сел келтирган табиий офатларнинг оқибатлари тугатилди. Ўзбек халқи табиий офатга қарши курашда узининг мардлиги ва қалбидан яна бир бор намоёниш қилди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бундан аввалги текширишдан сўнг ўтган бир йил мобайнида республика киш-лоқ хўжалиги қолхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида ол-ла томон катта қадм қўйилди. Мамлакатимиз учун ҳаётини муҳим аҳамиятга эга бўлган пахтачилик ва кишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини маданияти узлуksиз ўсиб бормоқда.

Сабзавот етиштиришнинг ялписига кўпайтириш проблемаси Ўзбекистонда тубдан ҳал этилганлиги бу йилги муҳим муваффақиятларнинг биридир. Ўтган йилдаги нисбатан сазавот, картошка ва меваларнинг нар-хи анча пасайибди. Бунга айрим бри-гадалар, қолхоз, совхозлар ва бутун-бутун районларни ихтисослаштириш йўли билан эришилди. Пойтахт — Тошкент области, шунингдан Фарго-на, Сурхондарё ва Қашқадарё област-лари бу соҳада илп иш қилганлар.

Қуйдагидек факт бу йил кўп хўжа-ликлар учун харақтерлидир. Янгиёул районининг Свердлов қолхозини 500 тонна картошка сотиб, йиллик план-ни 16 июлда бажарди ва гектар бо-шига ҳосилдорлигини 140 центнерга етказди. Ҳозир бу хўжаликда давлат-га яна 1000 тонна картошка сотиш учун ғайрат билан кураш олиб бо-рилмоқда.

Мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш вазифаси муваффақиятли ҳал этилмоқда. Бедаювлар неггайти-рилиб янги парвариш қилинмоқда. Ўтган йилдаги қарағанда манжу-хори ва оқизхори равиши анча ҳисса бўлади.

«Юбилей йилини муносиб сов-ғалар билан кўтиб оламиз!» Ана шундай шорига қатъий амал қилиб ишлаган Оржоникидзе районининг ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик планини муддатидан олдин 105,1 процент қилиб адо этдилар. Она-Ватанга пландаги 3880 тонна ўрнига 4077 тонна ғалла армуғини

А. МАҚСУМОВ,
Тожикистон ССР кишлоқ хўжа-лик министрининг, ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари

Пахта-беда алмашлаб экишни улаштириш ишлари бошланиб кет-ган. Ўтган йили пахта-беда алмаш-лаб экиш 106 хўжаликда жорий этилган бўлса, бу йил яна қарий икки юзта қолхоз ва совхозда жорий этилмоқда.

Алмашлаб экишни улаштиришга тайёргарлигининг муҳим чораси тари-қасида беда катта-катта массивларга экилмоқда, уруғчиликнинг базаси мустаҳкамланмоқда.

Бизда «пахта билан ғалла бир-би-рига ошма» деган ибора чуқур маъ-нун ҳасб этган. Қолхозчилар билан совхоз ишчиларининг жуда кўпчи-лиги дон проблемасининг мамлакат-миз учун нақадар муҳим эканлигини ҳис-сис билишяпти. Бир талай хўжалик-лар дон экинларидан яхши ҳосил етиштиришда, давлатга ғалла сотиш юзасидан ўзлари олган маънурий-ларини муваффақиятли тўла ва анча ошириб бажармоқдалар. Республика-да биринчи бўлиб давлатга дон со-тиш тошпиригини адо этганлиги тў-ғрисида рапорт берган Тошкент об-ласти деҳқонларининг қувончига ҳамма шерик бўлмоқда.

Сизнинг республикангизда шол-ли, норлини ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилинди. Ана шу ки-матли экинни янги массивлар аж-ратиб берилди, дарё бўйларидида қайи ерлар, захнаш ва шўрхон ер-лардан кенг фойдаланилмоқда. Гектар бо-шига 40—50 центнер ва ундан ҳам илп дон йиғиштириб олаётган уста шолкорлар ўсиб етишган.

Ўтган йили бўлгани каби бу йил ҳам биз шонли ўзбек пахтакорлари

нинг шавкатли меҳнатини қувонч би-лан таъинлаймиз, уларнинг маҳора-ти янада ўсганидан хурсандимиз.

Ўзбекистон далаларида комплекс механизация, деҳқончиликнинг му-каммал усуллари, чигитнинг янги, та-гин ҳам серхосил навлари муваффа-қиятли жорий этилмоқда, совет дав-рида ортирилган бой таъриқнинг ҳаммасидан фойдаланилмоқда.

4 миллион тонна пахта етиштириш учун эр кураш олиб берилаётганли-гини республикада яловчи ҳар бир киши яхши билиди. Ҳамма жонда гу-за тупларнинг қалинлиги оптимал даражада бўлиши таъминланган, гўза маддал ривожланган, ҳосил тўплаго-да, бу эса пахта етиштириш юзаси-дан олдин мажбуриятини бажариш-нинг мустаҳкам негизидир.

Мисол тариқасида пойтахт Тошкент областининг Оқўрғон районидида Димитров номи, «Зара коммуниз-ма», Войтинцев номи қолхозлари, 1-«Оқўрғон» совхозиди; Бенобод рай-онидида Дзержинский номи ва Ле-нин номи қолхозлари; Буна райони-даги «Ленин йўли», Свердлов номи қолхозлари ва «Буна» совхозиди; Юқори Чирчиқ районидида «Полит-отдел», «Правда» қолхозлари; Ўр-та Чирчиқ районидида «Полыная звезда», Оқунбобоев номи; Янгиёул районидида «Ўзбекистон 30 йиллиги» Навроз номи, «Ленинизм» қолхозла-рида гўзаланг аҳоли яхши эканили-гини айтиб ўтмоқ керак.

Ленин делегацияси аъзолари бир қатор мидийли нуқсонларни ҳам аниқ-ладилар. Баъзи бригадирлар, қолхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳосил-дор майдонларга маҳна бўлиб, на-м-чиликларни таъиниди анализ қилмай, хотиржамликка берилиб қолибдилар. Шунинг оқибатида бир қанча хўжа-ликларда гўзага ишлов бериш сусай-тирилиб, аслида эғалланган марра-лар қўлдан бой берилди деб қилибди,

